

"RPTM" ДУК:

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШЛАР САМАРАСИ

Алоқачиларнинг касб байрамини муносиб ютуқлар билан кутиб олаётган корхона ва ташкилотлар ичида кўпчилик шундай бир жамоа борки, бевосита уларнинг кечани кеча, кундузни кундуз демай қилаётган меҳнатлари, янги техника ва технологияларни ўзлаштиришда замон билан ҳамқадам интилишаётгани, изланишлари сабаб республикамиз аҳолиси дунёдаги энг муҳим янгиликлар, воқеа ва ходисалардан ўз вақтида бохабар бўлмоқда, шунингдек, радиоалоқа имкониятларидан кенг фойдаланмоқда. Булар — "Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонасининг фидойи мутахассисларидир. Алоқачиларнинг касб байрами муносабати билан ушбу аҳил жамоада олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

4-5-бетлар

TOSHKENT

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — ТАЪЛИМГА МАДАД

Жорий йилнинг 1-3 май кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетида республикамиздаги касбунаар коллежлари учун "Замонавий ахборот коммуникация технологияларини ўрганиш, электрон ҳукумат тизимлари, интерактив давлат хизматлари ва ахборот хавфсизлиги ҳамда ахборот химояси" мавзуида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида касбунаар коллежларида таълим тарбия соҳасини изчил ислоҳ қилиш, коллеж ва корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларида фойдаланиш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида кенг жамоатчиликни жалб этиш устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилган эди.

2-бет

Алоқа оламида

Парижда шаклини ўзгартирувчи телефон тақдими ўтказилди.

Human Media Lab Queen's University (Канада) муҳандислари томонидан тақдим этилган ушбу смартфон прототипи кўнғироқлар, SMS ёки электрон почтадан хабар келганини шаклини ўзгартириш орқали билдиради.

MorePhone дея шартли ном билан аталаётган бу телефон юпқа ва эгилувчан электрофоретик дисплейдан ташкил топган бўлиб, экран электр токи таъсирида эгилади.

Розэл Вертегаал (Human Media Lab директори)нинг тахминича, яқин 5-10 йил ичида "морфонлар"ни ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади.



Ушбу сонда:

- Сармишсой дарасида ўлмас садолар 2
- Саодатли умр йўли 3
- Анализ протоколов 6
- Элда эъзоз топиб... 12
- Алоқачилар кўшиғи 12
- Соғлом турмуш тарзи тарғиботи 15

Umagan umagacha

Шу йил 26 апрел куни Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов тавсиясига кўра Андижон вилояти ҳокими вазифини вақтинча бажарувчи лавозимида ишлаб келаётган Шухратбек Абдурахмонов Андижон вилояти ҳокими этиб сайланди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Самарқанд шаҳрида "Ўзбекистонда сайлов жараёнларини янада демократлаштиришнинг долзарб масалалари" мавзуда семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини маси мутахассислари, вилоят, туман ва шаҳарлар сайлов комиссияларининг раислари ҳамда сиёсий партиялар ҳудудий кенгашлари фаоллари иштирок этди.

Тошкентда кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадада иштирокчилар 11 олтин, 23 кумуш ва 36 бронза медали учун мусобақалашди. Ўзбекистон вакиллари 2 олтин, 5 кумуш ва 8 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Бу йилги интеллектуал марафонда 17 жамоа — Озарбайжон, Беларусь, Болгария, Венгрия, Козовистон, Қирғизистон, Литва, Македония, Молдова, Россия, Руминия, Саудия Арабистони, Тожикистон, Туркменистон, Туркия, Украина ва мезбонлар — жонажон Ўзбекистонимиз вакиллари иштирок этди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази "Суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари жамоатчилик нигоҳида" мавзуда навбатдаги сўровни ўтказди. Сўров қатнашчилари амалга ошириладиган ва суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлантириш ва инсонпарварлаштириш, суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий таълимни тубдан яхшилаш ва ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуини юксак баҳолади.

"Туркистон" саройининг ёзги сахнасида "Хаёт учун!" хайрия концерт акцияси бўлиб ўтди. "Хаёт учун!" хайрия лойиҳаси тадбирларидан тушган маблағ аёлларда учрайдиган саратон касаллиги бўйича профилактика чораларини қучайтириш, опа-сингилларимизни тиббий кўридан ўтказиш, беморларга ёрдам кўрсатиш, уларни дорин-дармон билан таъминлашга сарфланади.

Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчихонасида "Обод турмуш йили Давлат дастури" мавзуга бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Италиянинг вазирилик ва инсонпарварлаштириш, маҳаллий экспертлар ҳамда журналистлар иштирокида ўтган мажлис тадбирда замонавий Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 2 апрелдаги 08/6-3-сон баёни қарорига мувофиқ, соҳага бириктирилган 74та касб-хунар коллежи билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, битирувчиларни тўлиқ иш билан таъминлаш, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, таълим сифатини яхшилаш, КХКнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва унинг тизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан ҳам аниқ чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, коллежлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича вилоят корхоналари кесимида масъуллар ва ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланган. Улар томонидан тасдиқланган жадвалга асосан, 2013 йил 15 апрелидан бошлаб, 74та коллежнинг барчасида учрашувлар тўлиқ ўтказилди.

Мазкур учрашувларда 572та иш берувчи, 1 309та коллеж ўқитувчиси, 11 980та битирувчи ва уларнинг ота-оналари билан жами 15 321 киши иштирокида иш билан таъминлаш, ўқувчиларнинг давомати, ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилиш, ёшларга замонавий таълим бериш бўйича соҳа томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар ва ян-

**2013 йил 15
апрелидан
бошлаб, 74та
коллежнинг
барчасида
учрашувлар
тўлиқ ўтка-
зилди.**



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — ТАЪЛИМГА МАДАД

гиликлар хусусида зарур маълумотлар берилиб, турли масалалар муҳокама қилинди.

1-3 май кунлари бўлиб ўтган ўқув-семинарда соҳада амалга ошириладиган ислохотлар, хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси ҳақида, Электрон ҳуқуқат тизимида ахборот технологияларини жорий этиш бўйича халқаро тажриба, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқат портали, давлат бошқарувида АКТдан фойдаланишда Жанубий Корея тажрибаси, касб-хунар коллежлари учун

"Электрон таълим" тизимини яратиш истикболлари ва уни бошқариш маъноси амалга ошириш мақсадли режаси, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида инновацияларни ривожлантириш истикболлари, интерактив давлат хизматлари: асосий тушунчалар, жорий қилиш ва ривожлантиришнинг асосий муаммолари каби мавзуларда соҳанинг бевосита ушбу лойиҳалари билан шуғулланаётган мутахассислари семинар қатнашчиларига батафсил маълумот беришди.

Ўз мухбиримиз

Сармишсой дарасида ўлмас садолар

ASRLAR SADOSI-2013

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамағатини ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали халқимизнинг бой маданий, маънавий меросини намойиш этаётган катта майдонга айланди.

"Асрлар садоси"га бу йил улдуф мутафаккир номи билан аталган Навоий вилояти мезбонлик қилади. Асрлар қаъридан келган садолар тамаддун дурдонаси бўлиши Сармишсой дарасида янги оҳанг, янги жаранг топиши шубҳасиз. Бутун дунёга ўлмас кадрларимиз билан бир қаторда, замонавий меросимизни яна бир бор кўз-кўз қилиш имконини берадиган мазкур фестивал хар сафар анъаналаримизнинг янги-янги қирраларини намойиш этиб, дунёга беминнат шарқона меҳр улашиб, хорийлик меҳмонларини жонажон Ўзбекистонимизга қорлайверади...

Шу йилнинг 4-5 май кунлари вилоятимизда бўлиб ўтадиган "Асрлар садоси-2013" анъанавий маданият фестивалига катта ҳозирлик кўрилиб, анжуманга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Сармишсой дараси баҳор келинчаги мисол байрамона ясаниб, меҳмонларни қуттишга шай.

Зарафшон дарёсидан ўтиб, Қалқонота томон борадиган йўлларга янги асфалт ётқизилди, бехисоб

анвоий гуллар ўтқазилди, ободонлаштириш ишлари, бутунлай янги-янги қиёфага киритилган тураржой бинолари ҳам нуфузли анжуман шарофати билан амалга оширилди.

"Асрлар садоси-2013" иштирокчи ва меҳмонлари Сармишсой қадимий ёдгорлиги билан танишиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Дарҳақиқат, Навоий вилоятидаги ёдгорликлар орасида қоя тошлардаги расмлар энг қимматли манбалардан ҳисобланади, улар тошга ёзилган тарих ва гўзал расмчилик асарларидир.

Қадим тамаддуннинг неча минг йиллик садолари келиб турган Сармишсойдаги бу нодир обидалар фан тилида петроглифлар дейилади. Серкуёш бу заминимиз тарихи неча минг йилларга бориб тақалиши, бунда аждодларимизнинг бетакрор маданияти, юксак маънавияти бой салохияти билан жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган авлодлар яшагани билан хар қанча фахрлансак ва дунёга кўз-кўз қилсак арзийди. Мазкур фестивал худди ана шундай эзгу мақсадни қўзлагани боисдан ҳам жуда қимматлидир.

— Анжуманнинг юқори савияда ўтиши, хорийлик меҳмонларга замон талаби даражасидаги алоқа хизматларидан фойдаланишлари учун барча чора-тадбирлар кўрилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси алоқа, ах-



боротлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлигининг ўринбосари Хасанжон Қаюмов. — Давлат қўмитаси Фармоийишга асосан анжуман ўтадиган Сармишсой дарасида Ucell, Beeline, "ЎзМобайл" мобил алоқа компаниялари база станциялари ўрнатилиб, "Ўзбектелеком" АК "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиалининг Навоий боғламаси томонидан юқори тезликдаги Wi-Fi интернет хизмати кўрсатилиши таъминланди.

Жорий йилнинг 4-5 май кунлари бўлиб ўтадиган бу маданият фестивали ҳақиқий байрамга айланишига шубҳа йўқ.

Маруза ХОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги
мухбири



Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъзозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келган. Бундай одат миллий қадриятимизга айланиб, қон-қонимиз, сўяк-сўягимизга сингиб кетган. Ушбу қадрият халқимизнинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган ноёб фазилатидир. Шунинг учун ҳам 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини биз катта байрам сифатида нишонлаймиз.

Ислом ҚАРИМОВ



Ўзбекистон — менинг она юртим

дейди фахрий матбуот тарқатувчи Полина Ларина

Тақдирнинг йўллари шу даражада мавҳумки, эртага инсон ўзини нима кутаётганини, умр йўллари уни қайси гуша томон элтишини олдиндан билмайди. Бундан нақ 90 йил аввал Россиянинг совуқ ҳукм сурувчи туманларидан бирида таваллуд топиб, ўша ерда вояга етган, Иккинчи жаҳон урушининг барча даҳшатларини ўз кўзлари билан кўрган, эркаклардан қолишмай меҳнат қилиб, жангчиларга яқиндан ёрдам берган, сўнгра Ўзбекистонга келиб, умрини матбуот тарқатиш соҳасига бағишлаган Полина Васильевнанинг бугун "Ўзбекистон — менинг она юртим, ҳеч бир мамлакатни юртим кўчалари-ю, мусавфо, кўёшли хавосига алишмайман" дея фахр билан сўзлаши ҳам аслида тақдир битиги.

Биз, "Xabar" газетаси мухбирларини онахон дилда хаяжон, юзда табасум билан кутиб олди. Ифорли оппоқ гулларимизни тоширар эканмиз, хорғин кўзларида ёш жилваланди.

— Эътиборингиз учун раҳмат, болаларим, — деди меҳнат фахрияси қувончдан энтикиб. — Пенсияга чиққанамга анча йиллар бўлган бўлсада, бирор байрамда эътибордан четда қолган эмасман. Айниқса, 20 йил ишлаб, ривожига муносиб улуш



қўшганим — "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси раҳбарларидан беҳад миннатдорман. Улар байрамларда совға-саломлар билан келиб, ахволимдан бохабар бўлишди. Керакли ёрдамларини аямайди. Уларнинг ҳар бир ташрифидан кўнглим тоғдай кўтарилади. Шундай ажойиб жамоада меҳнат қилганимдан хурсанд бўлиб кетаман.

— Туғилиб ўсган юртингиз қолиб, Ўзбекистонда яшаганингиздан афсусланган пайтларингиз бўлганми? — сўраймиз онахондан.

— Бундай фикр ҳеч қачон ҳаёлимга келган эмас, — деди Полина Васильевна тўлкинланиб. — Ўзбе-

кистон менинг ўз Ватаним. Яқинларим бир неча бор олдиларида яшашга таклиф қилишди. Лекин мен рози бўлмадим. Бундай жаннатмонанд юрт, биздагидай меҳрли одамлар ҳеч қаерда йўқлигига ишонаман.

Ха, қайсики юртининг фахрийлари иззатда бўлса, улар ўтаётган умридан кўнгли тўлиб яшашса, ўша ерга барака ҳам ёвилаверади. Мамлакатимизда кекса авлод вакилларига ҳурмат ва эҳтиром ҳукумат эътибори даражасида эканлиги ва юртимиз кун сайин гуллаб-яшнаётганлиги сабаби ҳам шунда, аслида.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Саодатли умр йўли

Истиклол, энг аввало, инсон қаддини, қадрини юксалтирди, эзгу ишга эш бўлиб яшаган инсон эъзоз топадиган давр келди.

Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган, Қарши туманининг Лағмон кишлоғидаги Нажим Русланов 1924 йилнинг 15 январида туғилган. Отаси боғбон бўлиб, улар оилада 5 нафар фарзанд эди. 1942 йилда фронтга отланди. Дастлаб Бухорода тайёргарлик машқларида қатнашди. Сўнгра Москва шаҳри яқинидаги қўрғончада тўпландилар. Бир ой жанговар машқлар бажариб, Тула орқали уруш майдонига кирди. Унинг Аҳмад ва Қилч исмли тенгшоҳ ҳамкишлоқлари ҳам биргаликда урушга кетган эди. Афсуски, улар Сталинград жанглирида ҳалок бўлдилар.

Отaxon Руминия, Поша шаҳар ва кишлоқларини босқинчилардан озод этишда қатнашди. Германияга қадар немис босқинчиларини 252-ўқчи дивизияси полки таркибиде қувиб борди.

1949 йил Нажим ота кишлоғига қайтди. Қишлоқ тарқалиб кетган,

яқинларининг уйларида яшашга тўғри келди. Қарши ўқитувчилар тайёрлаш институтига ўқишга кирди. Кечки бўлимда ўқиб, кундузи мактабда ўқитувчилик қилди.

1950 йилда Рўзи Нажимова билан турмуш қуриб, тўрт нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар.

1975-1985 йилларда Қарши туманидаги Лағмон алоқа бўлими бошлиғи вазифасида ишлади.

У алоқа соҳасида меҳнат қилган кезларида жамоат ишларининг фаол ташкилотчиси бўлди. Алоқа бўлимида ўша вақтда қадалган дарахт ниҳоллари бутун кучоққа сиғмайди. Қабристонларни ободонлаштириш, боғ барпо этиш ишлари Нажим бобонинг жону дили эди.

— Мен Нажим бобонинг катта келиниман, — дейди Иклим Гафорова. — Бу хонадонга келин бўлиб тушганимда амаким почта алоқаси

бўлимида ишларди. Бўлим ишларига яқиндан ёрдам бериб юрдим. Кейинчалик ишга кирдим. Амаким нафақага чиққандан кейин у кишининг ишини давом эттирдим. Оилада меҳрибон ота, ишда ғамхўр, маслаҳатгўй эди.

Нажим Русланов 12 нафар набира, 8 нафар чеваранинг бобоси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йилнинг 6 майдаги Фармонида кўра "Жасорат" медали билан тақдирланган.

Бугун Нажим бобо бошлаган хайрли ишларни фарзандлари, шогирдлари давом эттиришмоқда. Мухими, эзгулик ортида эзгу ном қолдирган Нажим бобонинг нурли излари унинг авлодлари учун ибратли ҳаёт йўлига айланган. Зеро, бу саодатли умр йўлидир.

Афтондил ИСМОИЛОВ
Қашқадарё вилояти

Шамсиддин Акбархўжаев 2005 йилдан бери Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Компютер тизимлари" кафедрасида доцент лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Асл ўзбек ўғлони

Шамсиддин ака 1943 йил 26 сентябрда туғилган бўлиб, ўз педагогик фаолиятини 1970 йилда Тошкент Давлат политехника университетида бошлаган. 1964 йилда бўлгуси талаба бўлган Шамсиддин армия сафига хизматга чақирилди ва 1967 йилгача Украинада пиротехника воситалари ва уларни зарарсизлантириш взводида взвод командири сифатида фаолият юритган. Хизмат йиллари давомида Украинанинг Донецк ва Ворошилов областларида Иккинчи жаҳон уруши йилларида жанг майдонларида портламай қолиб кетган снаряд ва миналарни топиш ва уларни зарарсизлантириш ишларида фаол қатнашган. Ҳарбий хизмати давомида биргина Шамсиддин аканинг ўзи 3000дан ортиқ мина ва снаряд каби портловчи моддаларни инсонларга шикаст етказмасдан зарарсизлантирган. Ушбу хизматлари учун Шамсиддин аканинг кўксини кўплаб медаллар безаб турибди. Унинг хизмат давомида кўрсатган довиораклиги хақида ўша давридаги газеталарда: "Шамсиддин йнгирма уч-йнгирма тўрт ёшида неча бор ажал уруғи билан юзма-юз келди. Лекин чўчи-мади. Уларнинг ҳаммасига ҳам чап бериб кетди. Ҳаётини хавф остида қолдирган пайтларида ўткир зехни ва қобилиятини ишга солди", деб ёзди.

У қаерда бўлмасин ўзбек йигитига хос ватанпарварлик намуналарини намойиш этди. Хозирга кунда ҳам Шамсиддин ака халқимизга хос ватанпарварлик ва масъулият билан ёшларга таълим бериб, етук мутахассис кадрларни тайёрлашга ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Хар йили ўнлаб бакалавр ва магистрларга илмий раҳбар бўлиб, уларга илм хазинасини ўргатиб, ҳаёт йўлига тайёрламоқда. Биз Шамсиддин акага соғлиқ-саломатлик ва узок умр тилаймиз.

Эъзозахон ҚАРИМОВА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

ЯНГИ ХИЗМАТЛАР

Тараққиёт ҳар бир корхона олдига қатор талаблар қўяди. "РРТМ" ДУК олдига турган асосий вазифаларнинг, замонавий техника ва технологияларнинг ишлаб чиқариш жараёнига кенг таъбиқ этилишини йўлга қўйиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкиллаштириш, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение фаолиятини такомиллаштириш, тежамкорликни таъминлаш ва ресурслардан унумли фойдаланиш, моливий барқарорликни таъминлаш бўйича юзага келадиган талаблардан келиб чиққан ҳолда корхонанинг ташкилий тузилмаси қайта қўриб чиқилди ва Давлат алоқа қўмитасида тасдиқланиб олинди. Натижада Инвестиция лойиҳалари ва капитал қурилиш хизмати, Сифатни бошқариш ва метрология хизмати, Ахборот хавфсизлиги ва технологиялари хизмати, Энергоресурсларни бошқариш хизмати каби бир қатор янги хизматлар ташкил этилди. Янги бўлинмаларнинг мувофиқлашган ҳолда иш олиб бориши корхона фаолиятини такомиллаштиришга, олда турган муҳим ва залворли вазифаларни ўз муддатида, тез, аниқ ва сифатли амалга оширишга шароит яратди.

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ РИВОЖИ

Илмий-техникавий ривожланиш кўп соҳаларда, шу жумладан, телевидение соҳасида ҳам янги ютуқларга олиб келди, яъни аналог тизимидаги телевидение ўрнини юқори сифатли рақамли телевидение эгалламоқда. Республикада бу йўналишдаги ишлар 2008 йилдан бошланган ва бевосита Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси қўмағида амалга оширилмоқда.

2008-2011 йиллар мобайнида Тошкент, Бухоро, Қўпонота, Нукус, Урганч, Андижон ва Одамтош радиотелевизион станцияларида, 2012 йилда эса Қўқон, Вахшвор, Гулистон ва Лангар радиотелевизион станцияларида рақамли телеузатгичлар ўрнатилиб, ишга туширилди. Бугунги кунда ушбу телеузатгичлар орқали 12та теледасурдан иборат биринчи ижтимоий жамланма узатилмоқда ва республика аҳолисининг рақамли теледасурлар билан камров даражаси 42 фоизни ташкил этди.

2013 йил давомида Қўйтош, Ангрэн, Бекобод, Питнак ва Сўх радиотелевизион станцияларида (РТС) рақамли телеузатгичларни ўрнатиш ва ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда Ангрэн ва Питнак РТСларда рақамли телеузатгичлар тест тартибда ишламоқда ва республика аҳолисининг

Илҳом МИРСОДИҚОВ,
Ўта қисқа тўлқинли радиостанциялар цехи 1-тоифали мутахассиси, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими" фахрий унвони соҳиби:



— Мен учун иккинчи уйимдек бўлиб қолган кадрдон корхонамда ярим асрга яқин меҳнат қилган бўлсам, шундан 33 йилида мазкур цехга бошчилик қилганман. Корхонанинг бугунги ҳолатга келишига кўплаб ҳамкасбларим катта ҳисса қўшишди. Улардан Турсбек Юсупов, Шуҳрат Зокиров, Сайфиддин Иноғомов, Павел Голдваргларнинг шарафли меҳнатларини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Мен корхона ривожига муносиб ҳисса қўшган азиз фахрийларни ва республикамизнинг барча алоқачиларини касб байрамлари билан табриклайман. Ўзларига омад, оилаларига хотиржамлик тилайман.

"РРТМ" ДУК: ИЗЛАНИШ

Эдуард АВАКОВ,
Ўта қисқа тўлқинли радиостанциялар цехи навбатчилик гуруҳи бошлиғи:

— Дунёдаги энг баланд телеминоралардан бири ҳисобланувчи Тошкент телеминорасига маҳаллий мутахассислар ёрдамида 214 метр баландликда DVB-T2 рақамли телеузатгич ўрнатилди ва у ёз ойларида ишлай бошлайди. Бу телеузатгич орқали каналлар сонини, рақамли сифатни сақлаган ҳолда, 18тагача кўтариш мумкин. У кам қувват талаб қилади ва камров доираси 90 километрни ташкил этади. Таққослаш учун: агар аналогли телевидениеда ҳар бир канал учун битта узатгич талаб этилган бўлса, DVB-T2 стандартида биргина узатгич орқали 18тагача канал тақдим этилиши мумкин.

Рақамли узатгичлар бугунгача республикамизнинг кўпгина худудларига ўрнатилди. Бу ишни "РРТМ" муҳандислари сифатли амалга оширишяпти. Жойлардаги мутахассислар рақамли узатгичларни қандай ишлатишни, аввало, монтаж жараёнида ўрганиб олмақдалар, қолаверса, улар учун корхонамизда махсус ўқув маркази ташкил этилган.

рақамли теледасурлар билан камров даражаси 43,5 фоизга етказилди.

Шунингдек, тажрибавий ҳудуд сифатида Тошкент шаҳрида DVB-T2 стандартдаги рақамли телеузатгич ўрнатилди ва антена-фидер қурилмаларини ўрнатиш бўйича тегишли ишлар олиб бориляпти.

Республикамизда рақамли телевидение тармоғини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини шакллантирувчи муҳим ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш бўйича Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бўлиб, мазкур қарор билан тасдиқланган Давлат дастурида рақамли телевидениега ўтиш куйидаги икки босқичда амалга оширилиши режалаштирилган:

1-босқич

2012-2015 йилларда "Ўзбекистон Республикасида ер усти рақамли эшиттириш тармоғини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида вилоятлар марказлари ва йирик аҳоли масканларида 75та турли, асосан юқори қувватли, рақамли телевидение узатгичларини ўрнатиш;

2-босқич

2016-2017 йиллар мобайнида "Ўзбекистон Республикасининг узоқ ва бориш қийин аҳоли масканларида рақамли телеэшиттириш тармоғини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида узоқ ва бориш қийин аҳоли масканларида 300дан кўпроқ кам қувватли рақамли телевидение узатгичларини ўрнатиш, шунингдек, рақамли телевидение каналлари пакетини йўлдошли алоқа каналлари орқали етказиб беришни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШЛАР

"РРТМ" ДУКда доимий равишда хизматлар ҳажми ва ҳўжалик ҳисобидидаги фаолиятдан олиннадиган даромадлар салмоғини ошириш юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда. Уларнинг 2012 йилдаги ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайди. Теледасурларни

Зокиржон ҚОДИРОВ,
Тошкент телеминораси лифтлар хизмати бошлиғи:

— Ташриф буорувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишда бизнинг иш алоҳида ўрин эгаллайди. Шу сабаб 28 йил давомида одамларни юқорига ташиб, маънан эскирган лифтларни замонавийларига алмаштиришга қарор қилинди.

2012 йили эълон қилинган тендерда Германиянинг ThyssenKrupp AG концерни ғолиб чиқди ва 2 миллион долларлик шартнома асосида ушбу компаниядан учта лифт келтирилди. Лифтларни ўзимизнинг "Лифт универсал" фирмаси мутахассислари ўрнатадиган бўлишди. Утган вақт давомида ушбу лифтларнинг биттаси ўрнатилиб бўлинди. Ўта замонавий, компьютер орқали бошқариладиган 630 килограмм (тахминан 8 киши) юқори 115 метр баландликка кўтарадиган бу лифт ишга тушганидан сўнг иккинчи лифт демонтаж қилинади. Учинчи лифт эса техник ходимлар учун бўлиб, уларни 220 метр баландликка олиб чиқиш қувватига эга.



ФАКТ: Тошкент телеминорасининг баландлиги — 375 метр. Мажмуанинг металл конструкциялар массаси — 6000 тонна. Телеминоранинг панжарасимон ўзаги конуссимон учта тиргакка ўрнатилган бўлиб, 100 ва 220 метр баландликларидида махсус бинолар (томоша майдони, ресторан, техник майдон ва ҳ.к.) жойлашган.

Рақамли телевидениега уланиш ва бошқа шу каби маълумотлар билан uzdtv.uz сайти орқали танишиш мумкин.

узатиш хизматлари ва бошқа ташкилотлар ускуналарига хизмат кўрсатиш ҳажмининг ошириш бундай ўсишнинг асосий омилга бўлиб хизмат қилапти.

Хўжалик ҳисобидаги даромадларнинг умумий даромадлар ҳажмидаги улуши 2011 йилда 44,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 53,8 фоизгача ошганлиги қувонарли ҳол.

Ўзбекистон Республикасида энг кам иш ҳақининг ошириш хисобга олган ҳолда электроэнергия тарифлари, бензин ҳамда дизел ёнилғиси нархларига мутаносиб равишда 2012 йил 1 июлдан бошлаб Молия вазирлиги томонидан корхонанинг телерадиодастурларни узатиш тарифлари 11,2 фоизга оширилди ҳамда бунинг хисобига корхонада қўшимча даромад олишга эришилди.

Корхонанинг молиявий имкониятла-

Владимир ГОЛИКОВ,
антенна-фидер қурилмалари бўйича етакчи мутахассис:



— Гुरुҳимиз аъзолари — Жамшид Толипов ҳамда Саидхўжа Муҳаммадхонлар билан биргаликда Тошкент телеминорасидаги 50тадан ортиқ антенналарни ўрнатиш, профилактика қилиш, таъмирлаш, ўлчаш ишларига хизмат қиламиз. Иш жараёни энг юқори — 250 метргача бўлган баландликда, телеминоранинг ташқи тарафида амалга оширилади. Шунинг учун корхонамиз томонидан саломатлигимиз масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Бир йилда бир марта корхона ҳисобидан тўлиқ тиббий кўриқдан ўтганимиз ҳолда, ҳар куни иш бошлашдан олдин тиббий ҳамшира саломатлигимизни текшириб, сўнг иш бошлашга рухсат беради.

Ишимиз оғир, масъулиятли бўлиши билан бирга шарафли ҳам. Бизни "корхонамиз алпинистлари" деб қақчиришади. Бундай эътирофлардан кейин чарқоч нималигини билмаймиз.

ВА ИНТИЛИШЛАР САМАРАСИ

р чекланган бир пайтда фаолият кўрсатишни оптималлаштириш мақсадида жорий ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш ва хўжалик шартномаларини марказлаштириш чоралари амалга оширилиши натижасида радио-телеузатиш марказларининг асосий ишлаб чиқариш харажатларини (иш ҳақи, солиқ ва мажбурий ажратмалар, объектларни кўриқлаш ва хоказо) режага мувофиқ тизимли молиялаштиришга эришилди.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Ҳар бир корхона муваффақиятли фаолиятининг асосини малакали мутахассислар билан қай даражада таъминланганлиги ташкил этади. Уларнинг ўз ишини пухта билиши, зиммасидаги вазифа масъулиятини чуқур ҳис қилиши, сифатли ва ўз вақтида бажариши корхона иш унумдорлигининг ошишига, самарадорликка эришишга замин яратади. Мазкур омилнинг муҳимлигини тушуинган ҳолда корхонада ишлаб чиқилган режага мувофиқ, тизимли равишда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари олиб бориляпти. Хусусан, корхона ҳисобидан Тошкент ахборот технологиялари университетининг бакалаврият ва магистратура йўналишларида тўлов-шартнома асосида 19 нафар талаба тахсил олмоқда. Демак, корхонага билимли, интилувчан ёш мутахассислар кириб келиши



ФАКТ: Бугунги кунда мамлакатимизда рақамли телевидение (12та канал) томошабинлари сони 1 миллиондан ошиб кетди. Пуллик каналлар мажмуалари (25 ва 36та канал)дан фойдаланувчилар сони эса 36 минг нафардан ортди.

учун замин яратилмоқда.

Кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилга — авлодлар узвийлиги. Корхонада кўп йилдан буён ишлаб келаётган тажрибали мутахассисларнинг ҳар бирига 7 нафардан ёш мутахассис бириктирилган бўлиб, улар олий таълим муассасида ўқиш билан бирга, корхонада (қисқартирилган иш вақти) меҳнат қилиб, билим ва тажрибаларини оши-

ришляпти. Бунинг учун уларга барча шaroит яратилган.

"РТМ" ДУҚда, шунингдек, радио-телеузатиш марказлари раҳбар, мутахассис ва муҳандисларининг малакаларини ошириш мақсадида республикадаги турли малака ошириш марказлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон

Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фуқаро муҳофазаси институти, "Ўзбектелеком" АК "Бизнес ва персонални ривожлантириш маркази" филиали кабилар билан хўжалик шартномалари тузилиб, йил бошидан бугунги кунгача 29 нафар раҳбар ва мутахассис ходим ўз малакаларини оширдилар. Корхона миқёсида раҳбар, мутахассис ва муҳандис ходимларнинг малакасини ошириш 2013 йилга тасдиқланган режа асосида тизимли равишда йўлга қўйилган.

ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТИ

Тошкент телеминорасига ташриф буюрувчи меҳмонлар нафақат пойтахт аҳолиси, балки республикаимизнинг бошқа ҳудудлари, шунингдек, чет эллардан келган сайёҳлар бўлиб, улар кузатув майдонидан (100 метр баландлик) кўриниб турувчи пойтахтимизнинг чиройли манзараларидан баҳраманд бўлибгина қолмай, экскурсия хизмати ходимларидан телеинора тарихи ва унинг бугунги кунига оид қизиқарли маълумотларга ҳам эга бўлмоқдалар. Ташриф буюрувчиларнинг қизиқишлари экскурсия хизмати сифатини доимий оширишга ва телеинора нуфузини сақлашга ундамоқда.

МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Бир сўз билан айтганда, "Радио-алоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонаси жамоаси эришяётган натижалар салмоғи катта, аммо шу билан бир қаторда, уларнинг олдида янада масъулиятли вазифалар турибди. Республикамиз аҳолисига тўлиқ ва сифатли рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш йўлида пойдевор яратилган. Буёғига бошланган ишларни юқори даражада давом эттириш талаб этилади. Шундай масъулиятли ва шарафли вазифани ўз зиммасига олган захматкашларга муваффақиятлар тилаймиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
Лутфилло ТУРСУНОВ,
"Xabar" мухбирлари

Мавжуда АЛИМОВА, "Коинот" ресторани директори:



— Ресторанимизда иккита — мовий ва алвон рангли заллар мавжуд. Улар телеинора ўзагига айлана ҳолда жойлашган бўлиб, ташриф буюрувчилар овқатланиш жараёнида пойтахтни юқоридан томоша қилиш имконига эга бўладилар. Меҳмонларни ресторанимизга олиб чиқиш учун тезюрар лифт ишлаб турибди. Бу ерда энг малакали ошпазлар меҳнат қилишади ва келувчиларнинг талаб ва истақларига асосан Европа ҳамда миллий таомларимизни сифатли тайёрлаб беришляпти. Ходимларимиз ташкилот ва корхоналарнинг буюртмаларига асосан жойларга бориб ҳам хизмат кўрсатишмоқда. Шунингдек, нафақат алоқа ташкилотлари, балки бошқа соҳа вакиллари ҳам нуфузли тадбирларида хизматимиздан фойдаланмоқдалар.

Ресторанимизга ташриф буюраётган хорижий ҳамда мамлакатимизнинг турли бурчақларидан келаётган меҳмонларнинг миннатдорлик сўзлари биз учун шарафдир.

Комиссия по регулированию использования радиочастотного спектра и спутниковых орбит РСС завершила свою работу

23-25 апреля 2013 года в г. Ташкенте состоялось 3-е заседание Комиссии по регулированию использования радиочастотного спектра и спутниковых орбит Регионального сообщества в области связи (РСС).

В работе заседания приняли участие более 50 представителей из Армении, Беларуси, Казахстана, Кыргызстана, Молдовы, России, Узбекистана, Украины, а также Исполкома РСС и Международного союза электросвязи.

На заседании Комиссии были заслушаны отчеты руководителей Рабочих групп Комиссии — Рабочей группы по радиовещанию, Рабочей группы по регулированию использования радиочастотного спектра, Рабочей группы по подготовке к Ассамблее радиосвязи и Всемирной конференции радиосвязи 2015 года (AP-15/ВКР-15) — о проделанной работе, определены Планы работы групп на последующий период. При рассмотрении Планов работы групп были учтены условия взаимодействия групп по отдельным пересекающимся вопросам — использование диапазонов 700, 800 МГц радиовещательной, подвижной, радионавигационной радиослужбами.

Участники заседания рассмотрели и утвердили План работы Комиссии на будущий период (2013-2015 годы), в



котором учтены вопросы взаимодействия стран по перспективам использования радиочастотного спектра, в том числе в приграничных территориях, использования новых радиотехнологий, подготовки к AP-15/ВКР-15, разработки документов, организации радиомониторинга, взаимодействия с профильными международными организациями.

Комиссия обсудила ход подготовки администраций связи (АС) РСС к Ассамблее радиосвязи и Всемирной конференции радиосвязи МСЭ 2015 года, отметила необходимость проведения в РСС научно-исследовательской работы по подготовке к AP-15/ВКР-15, продолжения практики сотрудничества с региональными международными организациями по данному вопросу.

Был рассмотрен проект "Предварительной позиции АС РСС по пунктам повестки дня ВКР-15", который отражает основные предложения АС РСС по пунктам повестки дня ВКР-15 на текущий момент.

На заседании участникам была представлена информация о ходе подписания (присоединения) "Регионального соглашения между администрациями связи стран — участников РСС по координации частотных присвоений, ранее используемых в общих синхронных сетях в диапазонах 148,5-283,5 кГц, 526,5-1606,5 кГц для использования их в независимом режиме работы и модификации Плана Женева-75".

Участники заседания заслушали и обсудили информацию об организации в странах — участниках РСС систем радиомониторинга и радиопеленгации, автоматизации управления использованием РЧС.

В заключении участники заседания выразили благодарность Государственному комитету связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан, а также Государственной комиссии по радиочастотам за высокий уровень организации заседания Комиссии РСС.

Домену UZ исполнилось 18 лет

Домен верхнего уровня UZ был зарегистрирован 18 лет назад — 29 апреля 1995 года.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан 3080 от 30 мая 2002 года "О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий", в марте 2003 года согласно подписанному с Международной организацией ICANN соглашению право на управление национальным доменом было передано Центру UZINFOCOM, который является администратором национального домена UZ.

Для повышения качества услуг и развития добросовестной конкуренции в сфере регистрации доменов Центром UZINFOCOM были распределены функции регистраторов и администратора. Сейчас в Узбекистане действуют двенадцать официальных регистраторов домена — это компании Tomas, Amary Aloqalar Biznesi (BCC), Sarkor Telecom, Billur Com, Arsenal-D, регистратор по Ферганской долине — Симус, а также семь регистраторов при Центрах компьютеризации в регионах Узбекистана.

Анализ протоколов обмена данными в сетях следующего поколения

Сети следующего поколения (или сети NGN — Next Generation Network) можно рассматривать в качестве сетевых решений, объединяющих фрагменты различных существующих сетей (интернет и ТФОП) с применением собственных этим сетям технологий.

Соответственно, в них применяются как протоколы интернет, так и протоколы ТФОП (Телефонная сеть общего пользования). Кроме того, некоторые протоколы NGN являются перспективными, прямо или косвенно затрагивая принципы взаимодействия сетей интернет и ТФОП в рамках создания мультисервисной сети. Протоколы сети NGN с некоторой долей условности можно классифицировать следующим образом: базовые протоколы сети интернет, транспортные протоколы, сигнальные протоколы, протоколы маршрутизации, протоколы информационных служб и управления, протоколы услуг.

Базовые протоколы сети интернет можно использовать для передачи сообщений через любой набор объединенных между собой сетей. Они в равной мере пригодны для связи, как в локальных, так и в глобальных сетях. Комплект протоколов интернет включает в себя не только спецификации низших уровней (например, TCP и IP), но также спецификации для таких общих применений, как почта (SMTP), приложения гипертекстовых терминалов (HTTP) и передача файлов (FTP).

Протокол IP определяет формат, адресацию и характер перемещения дейтаграмм IP через объединенные сети (по одной пересылке за раз). Но он не обеспечивает отправку на узел — источник сообщений о неисправностях, когда имеют место аномалии маршрутизации. Выполнение этой задачи предоставлено другому протоколу интернет, а именно протоколу управляющих сообщений интернет (Internet Control Message Protocol — ICMP). Он в пределах объединенной сети IP выдает сообщение источнику об отказах маршрутизации.

Протокол TCP (Transmission Control Protocol) обеспечивает полностью гарантированные, с подтверждением и управлением потоком данных, услуги доставки для протоколов высших уровней.

Сигнальный протокол SIP предназначен для организации, модификации и завершения мультимедийных сеансов или вызовов. Мультимедийные сеансы включают в себя мультимедийные конференции, интернет-телефонию и другие аналогичные приложения. SIP является одним из ключевых протоколов, используемых для реализации передачи речи по сетям IP.

Протокол управления транспортным шлюзом (Media Gateway Control Protocol — MGCP) используется между элементами распределенного мультимедийного шлюза. Транспортные шлюзы содержат оконечные точки, во взаимодействии с которыми агент вызова может создать, изменить и уничтожить соединение для установления и управления транспортным сеансом связи с другими оконечными точками. Также агент вызова может поручить оконечным точкам выполнение функций обнаружения некоторых событий и генерирования конкретных сигналов. Оконечные точки автоматически сообщают агенту вызова об изменениях в состоянии обслуживания. Кроме того, агент вызова может выполнять проверку как оконечных точек, так и соединений между ними.

Протокол передачи информации управления потоком (SCTP) обеспечивает транспортировку сообщениям сигнализации через сеть IP между двумя оконечными пунктами с избыточностью доставки информации и повышенной степенью надежности.

Транспортные протоколы RTP/RTCP выполняют функции передачи мультимедийного трафика через сеть интернет.

Протоколы информационных служб и управления обеспечивают доступ к разнообразным объектам в пределах данного административного домена сети. Способ организации доступа к этим

объектам из других доменов обеспечивается протоколами "Front-end". К протоколам Front-end относятся:

- протокол определения местонахождения услуги (Service Location Protocol — SLP)
- протокол открытого урегулирования (Open Settlements Protocol — OSP)

- протокол упрощенного доступа к директориям (Lightweight Directory Access Protocol — LDAP).

Общая модель, принятая в протоколах, представляет собой выполнение функции запроса клиентов с описанием конкретной операции выполняющих функций протокола с помощью серверов. В этой модели клиент передает серверу для исполнения протокольный запрос с описанием операции. В процессе выполнения операции сервер выдает запрашивавшему клиенту ответ с результатами или сообщениями об ошибках.

Хотя серверы обязаны выдавать ответы, когда последние определены в протоколе, требование по синхронизации работы, как клиентов, так и серверов отсутствует. Запросы и ответы множества операций могут проходить между клиентом и сервером в любом порядке при условии, что клиент со временем получает ответ на каждый запрос, требующего ответа.

М.АБДУЛЛАЕВ,
магистрант ТУИТ

2013 йил 6-12 май кунлари учун

Хабар +tv

ДУШАНБА — 6 МАЙ

ОТКРИТИЕ

5.55 Кругулар даври.
6.00 "Ассало, Ўзбекистон!"
7.00 "Ислом".
7.05 "Кунлик қўлиқ, истайд".
7.30 Миллий сериал "Дола".
8.00 "Пасдинома".
8.40 "Жаҳон Дарри". Т/с.
9.25 "Қадрият".
9.40 "Саломатлик сирлари".
9.55 "Сарой жаҳондир". Т/с.
11.00 "Абобор".
11.10 "Ватанларим".
11.55 "Ислом".
12.00 "Ассало, Ўзбекистон!"
12.50 "Кунлик қўлиқ, истайд".
13.05 "Компарс Рекс". Т/с.
13.50 "Қўриқона манзараси".
14.00 "Абобор".
14.15 "Биз" студияси: "Этнода муҳаббатини янгида".
14.35 "Ислом".
14.40 Ўзбек қомоли "Ойиндор".
16.00 "Қишлоқ қўлиқ".
16.20 "Тог гуллари".
16.30 "Гармоҳид даври".
17.00 "Абобор".
17.10 "Ҳайвонлар ёни".
17.25 "Ифтихор".
17.30 "Эркин фикр".
17.40 "Эртиклар - жоншона етасиз".
18.00 "Кунлик қўлиқ, истайд".
18.15 "Қорчиқ".
18.35 "ТВ - шифокор".
18.40 "Компарс Рекс". Т/с.
19.25 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Абобор" /рус/.
20.05 "Навоий буюндоғи".
20.10 "Мадония хўракидан". Т/с.
21.00 "Абобор".
21.40 "Муносибат".
22.10 "Кунлик қўлиқ, истайд".
22.25 "Сарой жаҳондир". Т/с.
23.30 "Ислом".
23.55 00.00 "Замон паройиботлари". Х/ф.
00.00 Кругулар даври.
00.05 "Саломатлик сирлари".
00.20 "Ислом".
00.25 "Қишлоқ қўлиқ".
00.45 "Яхшилар ёни".
1.00 "Абобор" /рус/.
1.30 Тел/Гейм "Ситим дало". 1-қисм.
2.15 "Ватанларим".
2.55 "Ислом".
3.00 "Қўриқона манзараси".
3.10 "Ассало, Ўзбекистон!".
4.00 "Абобор".
4.40 Миллий сериал "Дола".
5.10 "Қорчиқ".
5.30 "Навоий буюндоғи".
5.55 5.55 "Ойиндоран - табиат".

20.30 "Ёшлик навоилар".
20.50 "Эртиклар буюндоғи".
21.10 "Асар". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Хўл қадри". Б/ф.
00.10 "Ёшлик навоилар".
00.30 "Ўзғина навоилар".
00.50 "Хотирин совади". Б/ф. 1-қисм.
2.00 "Давр".
2.30 "Биз қимон".
3.10 "Қаҳарбо". Т/с.
4.00 "Ислом пасдиномаси".
4.30 "Афсуслар". Т/с.
5.20-6.00 "Пашава".

СПОРТ

6.00 "Махди".
6.05 Кругулар тартиби.
6.10 "Ҳақиқат гуллари".
6.20 "Қай-маман". Т/с. 51-қисм.
7.00 "Салом, Тошкент".
8.00 Тошкент паронвалли.
8.15 "Донорлар буюндоғи".
8.30 "Интеллектуал ақшони".
8.30 "Полиат".
8.50 "Саргушатар ороғи".
9.15 "Қамар ороғини оғини қонгари".
9.30 "Полиат".
9.45 "Полиат йўллари".
10.05 "Интервью".
10.15 "Согрини бир кун".
10.30 "Полиат". /рус тилида/.
10.40 "Менинг ақшони".
11.00 "Ороғ ороғи". Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дура". телестудия.
14.55 "Ҳайвон-ройиат".
15.00 "Полиат".
15.15 "Нидея". Т/с. 1-қисм.
15.40 "Махди бир кун".
16.00 "Тағин нуқсон".
16.30 Тошкент тартиби.
16.45 "Қамар ороғини": "Акс-ука Гримм ақшони". 28-қисм.
17.10 "Қамар ороғини ақшони": "Интеграция тилида". 4-қисм.
17.25 "Милли тағир".
17.40 "Манрифт фидойилари".
18.00 "Полиат".
18.25 "Интеллектуал ақшони".
18.35 Миллий сериал "Қадиротлар инн қайта". 4-қисм.
19.05 "Интервью".
19.15 "Қаровисор".
19.25 Тошкент тартиби.
19.40 "Тез-маркет".
20.00 "Полиат".
20.40 "Тошкент оқшони".
20.55 Хотирин ва қадрият кунгиз: "Этнода".
21.15 Тошкент тартиби.
21.30 "Тез-маркет".
21.50 "Қай-маман". Т/с. 52-қисм.
22.30 "Полиат". /рус тилида/.
22.50 "Қим СМС". /рус тилида/.
22.55 "Девид Копферибас". Х/ф. 1-қисм.
00.20 Кругулар тартиби.
00.25 "Ақшот мезони".
00.40 0.23 навоилар. Х/ф.
0.45 2.15 "Уйқирлар".
2.20 Хўра қомоли: "На эн биласан, на мей", 1-2 қисмлар.
3.00-6.00 "Салом, Тошкент".

СПОРТ

6.00 "Хайрин тоғи".
6.05 Кругулар тартиби.
6.10 "Саломат буюндоғи".
6.35 "Жасур боллар".
7.05 "Саломатлик реалити".
7.10 "Манрифт қалбади".
7.25 Боллар майдоғаси: Тоғини қимнатла.
"Спортландия".
8.00 ХАБАРДАР.
8.40 "Саломат буюндоғи".

9.00 Футбол. Англия чемпионати.
"Ливерпуль" - "Швертс".
10.45 "Муқаддаслар, спорт!".
11.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
"Ўзбекистон" - "Бўлор".
12.55 Раёсат, напсакар, рейтинлар.

13.00 ХАБАРДАР.
13.10 Боллар майдоғаси:
"Спортландия".
Музыкафильм.
13.40 Боллар. Жиро Д. Италия.
14.40 "Қасқ уйқирлар".
14.50 Тоғини АТР/МТА турлари.
16.15 Футбол. Англия чемпионати.
"Манчестер Юнайтед" - "Челси".
17.55 Кругулар тартиби.

18.00 Боллар майдоғаси:
"Спортландия".
Музыкафильм.
18.30 ХАБАРДАР.
18.50 Ороғ атлетика. Ўзбекистон чемпионати.
19.45 "Стиль буюндоғи". Тоғ-шоу.
20.30 "Спорт-маркет".
20.40 "Футбол шароғи".
21.30 ХАБАРДАР.
21.55 Интернетбулоқ.
23.35 "Эртаги футбол".
23.55 Авто-мото спорт.
